ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261,SJIF 2022-2.889, 2024-6.875 ResearchBib IF: 10.25 / 2025

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-6, ISSUE-2

ИШЛОВ БЕРИЛМАГАН ТУПРОҚҚА ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР УРУҒИНИ ЭКАДИГАН “NO-TILL” СЕЯЛКАГА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ДИСКЛИ ЭГАТ ОЧКИЧ ДИСКНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ

Мирзаев Б., Батиров Ш.

Аннотация. Мақолада ишлов берилмаган тупроққа такрорий экинлар уруғини экадиган “No-Till” сеялканинг сферик дисклардан ташкил топган эгаточкичи дискининг параметрларини мақбуллаштириш ўтказилган кўп омилли экспериментал тадқиқотларнинг тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Калит сўзлар. “No-Till” сеялка, дискларнинг ҳаракат йўналишига ва тикка нисбатан ўрнатилиш бурчаклари, эгат очкичга бериладиган тик босм кучи, агрегатнинг ҳаракат тезлиги, эгат чуқурлиги ва унинг ўртача квадратик четланиши.

Биз томонимиздан сферик дисклардан ташкил топган эгаточкич билан жиҳозланган ишлов берилмаган тупроққа такрорий экинлар уруғини экадиган “No-Till” сеялка ишлаб чиқилган [1] (1-расм).

Сферик дисклардан ташкил топган эгаточкич билан жиҳозланган ишлов берилмаган тупроққа такрорий экинлар уруғини экадиган “No-Till” сеялка (кейинги ўринларда “No-Till” сеялка) осиш қурилмаси билан жиҳозланган рама 1, таянч ғилдирак 2, зиг-загсимон дискли юмшаткич 3, қўш ясси дискли эккич 4, пневматик экиш аппарати 5, кўмгич 6 ва экилган уруғлар устидаги тупроқ қатламини шиббалайдиган зичлагич 7, эксгаустер 8, шланг 9, уруғ бункери 10 ва сферик дисклардан ташкил топган эгаточкичлар 11 дан иборат этиб ишлаб чиқилган.


Ушбу мақолада “No-Till” сеялкага ишлаб чиқилган дискли эгат очкич дискнинг параметрларини мақбуллаштириш ўтказилган кўп омилли экспериментал тадқиқотларнинг тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Ишлаб чиқилган дискли эгат очкич дискнинг назарий ва бир омилли экспериментларда ўрганилган параметрларининг унинг иш кўрсаткичларига биргаликдаги таъсирини ўрганиш ҳамда уларнинг мақбул қийматларини аниқлаш мақсадида математик режалаштириш усули билан кўп омилли экспериментал тадқиқотлар олиб борилди [2-4].

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261,SJIF 2022-2.889, 2024-6.875 ResearchBib IF: 10.25 / 2025

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-6, ISSUE-2



1-расм. Сферик дисклардан ташкил топган эгаточкич билан жиҳозланган ишлов берилмаган тупроққа такрорий экинлар уруғини экадиган “No-Till” сеялканинг конструктив схемаси

Баҳолаш мезонларига омилларнинг таъсирини иккинчи даражали полином тўлиқ ёритиб беради деб қаралиб, тажрибалар Хартли 4 режаси бўйича ўтказилди [5, 6].

Кўп омилли экспериментларни ўтказишда дискларнинг ҳаракат йўналишига ва тикка нисбатан ўрнатиш бурчаклари, уларга бериладиган тик босм кучи ҳамда агрегатнинг ҳаракат тезлиги унинг сифат ва энергетик иш кўрсаткичларига энг кўп таъсир этувчи омиллар сифатида қабул

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261,SJIF 2022-2.889, 2024-6.875 ResearchBib IF: 10.25 / 2025

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-6, ISSUE-2

қилинди. Улар қуйидагича шартли белгиланди:

X_1 – дискларнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги,°; X_2 – дискларнинг тикка нисбатан ўрнатилиш бурчаги,°; X_3 – эгат очкичга бериладиган тик бисм кучи, cm; X_4 – агрегатнинг ҳаракат тезлиги, km/h.

Юқорида келтирилган назарий тадқиқотлар ва бир омилли тажрибаларга асосланиб белгиланган омиллар сатҳи ва ўзгариш оралиқларининг қийматлари белгилаб олинди (1-жадвал).

1-жадвал

Омилларнинг сатҳлари ва уларнинг вариацияланиш оралиқлари

№	Омилларнинг номланиши ва ўлчов бирлиги	Омилларнинг шартли белги-ланиши	Омилларнинг вариация оралиғи	Омилларнинг сатҳлари		
				-1	0	+1
1	Дискларнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги,°;	X_1	5	15	20	25
2	Дискларнинг тикка нисбатан ўрнатилиш бурчаги,°;	X_2	5	5	10	15
3	Дискли эгат очкичга бериладиган тик босм кучи, H;	X_3	200	400	600	800
4	Агрегатнинг ҳаракат тезлиги, km/h	X_4	1	6	7	8

Бунда диск диаметри стандартлаштирилган ҳолда диск диаметри ва эгрилик радиуси мос равишда 41 cm ва 46 cm, улар орасидаги кўндаланг ва бўйламалар бир омиллик тажрибаларга асосланган холда мос равишда 0 ва 50 cm этиб қабул қилинди.

Тажрибаларда олинган маълумотларга ҚХМИТИнинг тажриба ва синов бўлимида ишлаб чиқилган “PLANEXP” дастури бўйича ишлов берилди. Бунда дисперсиянинг бир хиллигини баҳолашда Кохрен критериясидан, регрессия коэффициентлари қийматини баҳолашда Стьюдент критериясидан, регрессион моделларнинг адекватлигини баҳолашда Фишер критериясидан фойдаланилди.

Баҳолаш мезонлари сифатида эгат очкич томонидан ҳосил қилинган суғориш эгатининг чуқурлиги ва унинг ўртача квадратик четланиши ҳамда эгат очкичнинг тортишга қаршилиги қабул қилинди.

Тажриба натижаларига белгиланган тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- эгат чуқурлиги бўйича (cm):

$$Y_1 = 10{,}1481 + 0{,}1898\,X_1 - 0{,}7233\,X_2 + 1{,}2380\,X_3 - 0{,}9520\,X_4 - 1{,}2969\,X_1^2 + \\ + 0{,}1364\,X_1X_2 + 0{,}1391\,X_1X_3 - 0{,}1996\,X_1X_4 + 0{,}3806\,X_2^2 + 0{,}2115\,X_2X_3 - \\ - 0{,}1364\,X_2X_4 + 0{,}2206\,X_3^2 - 0{,}1521\,X_3X_4 + 0{,}3049\,X_4^2 \quad (1)$$

- эгат чуқурлигининг ўртача квадратик четланиши бўйича (±cm):

$$Y_2 = 0{,}5987 + 0{,}0767\,X_1 - 0{,}0568\,X_2 - 0{,}0977\,X_3 + 0{,}4010\,X_4 + 0{,}1913\,X_1^2 - \\ - 0{,}0165\,X_1X_2 - 0{,}0161\,X_1X_3 - 0{,}0158\,X_1X_4 + 0{,}1171\,X_2^2 + 0{,}0222\,X_2X_3 +$$


ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261,SJIF 2022-2.889, 2024-6.875 ResearchBib IF: 10.25 / 2025

$$+ 0{,}0245\ X_2X_4 + 0{,}0683\ X_3^2 - 0{,}0991\ X_4^2 \quad (2)$$

- эгат очкичнинг тортишга қаршилиги бўйича (kN)

$$Y_3 = 874{,}6892 + 106{,}8790\ X_1 + 72{,}8893\ X_2 + 65{,}2950\ X_3 + 50{,}1067\ X_4 + \\ + 26{,}1715\ X_1^2 - 17{,}9983\ X_1X_2 + 8{,}4775\ X_1X_3 + 10{,}9625\ X_1X_4 - 41{,}3431\ X_2^2 - \\ - 14{,}8650\ X_2X_3 - 14{,}5000\ X_2X_4 - 19{,}0781\ X_3^2 + 25{,}0466\ X_4^2 \quad (3)$$


Олинган регрессия тенгламалар (1)-(3) ва улар бўйича қурилган графиклар (2-4-расмлар) таҳлилидан қуйидагиларни такидлаш мумкин:



1, 2, 3 – мос равишда X_4 –1, 0, 1 бўлганда


1-расм. X_1 омилнинг Y_1, Y_2 ва Y_3 мезонларга таъсири

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261,SJIF 2022-2.889, 2024-6.875 ResearchBib IF: 10.25 / 2025



1, 2, 3 – мос равишда X_4 –1, 0, 1 бўлганда

2-расм. X_2 омилнинг Y_1, Y_2 ва Y_3 мезонларга таъсири



1, 2, 3 – мос равишда X_4 –1, 0, 1 бўлганда

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261,SJIF 2022-2.889, 2024-6.875 ResearchBib IF: 10.25 / 2025

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-6, ISSUE-2

3-расм. X_3 омилнинг Y_1, Y_2 ва Y_3 мезонларга таъсири

- дискни ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги, яъни X_1 омили ортиши эгат чуқурлиги ва тортишга қаршиликни ортишига, эгат чуқурлигининг квадратик четланиши қабариқ паробола қонунияти билан ўзгаришига олиб келган;
- дискни тикка нисбатан ўрнатилиш бурчаги, яъни X_2 омили ортиши барча бахолаш мезонларини камайишига олиб келган;
- дискли эгат очкичга бериладиган так босм кучи ортиши билан эгат чуқурлиги ва тортишга қаршилик ортган, эгат чуқурлигининг квадратик четланиши камайган;
- агрегат харакат тезлиги ортиши билан эгат чуқурлиги камайган, эгат чуқурлигининг ўртача квадратик четланиши ва тортишга қаршилик ортган.

Параметрларнинг талаб даражасидаги иш сифатини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиган қийматларини аниқлашда (1)-(3) тенгламалар ПК “Pentium IV” компютерида Excel дастурини “ечимни қидириш” (поиск решения) амали бўйича агрегатнинг 6-8 km/h ҳаракат тезликлари учун биргаликда ечилди. Регрессия тенгламаларини биргаликда ечишда Y_1 мезон яъни, эгат чуқурлиги камида 12 cm, Y_2 мезон, эгатининг чуқурлигининг ўртача квадратик четланиши ±1 cm дан кичик ва Y_3 мезон, яъни, эгат очкичнинг тортишга қаршилиги эса минимал қийматга эга бўлиши шартлари қабул қилинди.

Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Параметрларининг мақбул қийматлари

X_4		X_1		X_2		X_3	
Кодланган	Хақи-қий	Кодланган	Хақи-қий	Кодланган	Хақи-қий	Кодланган	Хақи-қий
1	8	-0,174	19,13	-0,645	6,77	0,237	647,48
0	7	-0,414	17,93	-0,681	6,59	0,049	609,75
-1	6	0,017	20,09	-0,842	5,79	-0,394	521,16

Демак, дискли эгат очкич билан жиҳозланган “No-Till” сеялка 6-8 km/h ҳаракат тезликларида иш сифатини агротехник талаблар даражасида, тортишга қаршилик минимал бўлишини таъминлаш учун дискни ҳаракат йўналишига ва тикка нисбатан ўрнатилиш бучаклари мос равишда 17°55'-20°5' ва 5°46'-6°47', дискли эгат очкичга бериладиган тик босим кучи 521,16-647,48 N оралиғида бўлиши лозим. Омилларни ушбу қийматларида эгат чуқурлиги ва унинг квадратик четланиши мос равишда 12,31-12,74 см ва 0,35-0,98 см ҳамда тортишга қаршилиги 714-889 N ни ташкил этди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Batirov Sh. Sferik disklardan tashkil topgan egatochkich bilan jihozlangan ishlov berilmagan tuproqqa takroriy ekinlar urug‘ini ekadigan “No-Till” seyalka // Qishloq va suv xo‘jaligida innovatsion resurstejamkor texnologiyalarni qo‘llash: Respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy anjumani materiallar to‘plami. – Buxoro, 2025. – B. 376-378.

2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – Москва: Колос, 1973. – 335 с.

3. Кобзарь А.И. Прикладная математическая статистика. Для инженеров и научных работников. – Москва: Физматлит, 2006. – 816 с.

4. Джонсон Н., Лион Ф. Статистика и планирование эксперимента в технике и науке. Методы

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261,SJIF 2022-2.889, 2024-6.875 ResearchBib IF: 10.25 / 2025

VOLUME-6, ISSUE-2

обработки данных. – Москва: Мир, 1990. – 610 с.

5. Аугамбаев М., Иванов А.З., Терехов Ю.И. Основы планирования научно-исследовательского эксперимента. – Ташкент: Ўқитувчи, 1993. – 336 с.

6. Спирин Н.А., Лавров В.В. Методы планирования и обработки результатов инженерного эксперимента. – Екатеринбург: ГОУ ВПО Уральский государственный технический университет – УПИ, 2004. – 258 с.